




New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIOVIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

9 (71) 2024

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЪЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Д.А. ХАСАНОВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ NEW DAY IN MEDICINE

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

9 (71)

2024

сентябрь

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com> E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

**ЭНЕРГЕТИК ИЧИМЛИКЛАР ТАЪСИРИДА РИВОЖЛАНУВЧИ ЎН ИККИ
БАРМОҚЛИ ИЧАК ТЎҚИМА ТУЗИЛМАЛАРИДАГИ МОРФОЛОГИК
ЎЗГАРИШЛАРНИ ГИСТОКИМЁВИЙ ТАҲЛИЛИ**

¹Бабажанов Т.Ж. <https://orcid.org/0009-0008-0011-8750>

²Илёсов А.С. Email: IlyasovA@mail.ru

³Авезов А.У. <https://orcid.org/0009-0000-2413-8379>

³Айтимова Г.Ю. Email: AytimovaG@mail.ru

¹Тошкент тиббиёт академияси. Ўзбекистон, 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фароби кўчаси 2, тел: +99878 1507825, E-mail: info@tma.uz

²Навоий инновация университети Ўзбекистон, Навоий вилояти, Шаҳар: Кармана, кўч. Тошкентская, 39 Тел: +998 (55) 500-00-43 Email: info@niuedu.uz

³Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали Ўзбекистон, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси 28-уй Тел: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

✓ **Резюме**

Гистокимёвий тадқиқотлар берган маълумотларга кўра, чақалоқликдан бошлаб кекса ёшигача бўлган даврларда ичакларда қадахсимон хужайралар сони ўзгаришларга учрамади, бироқ дистал бўлимда барча ёш даврларида уларнинг сони проксималга нисбатан юқори бўлиб чиқди. Бу проксималга нисбатан қийсланганда дистал бўлимда бактерияларнинг юқори сони билан bogлиқдир. Ёшга bogлиқ ҳолда муцинларнинг бактериал гликозидларига нисбатан нордон юқори чидамли миқдорини пасайиши кексалик ва жинсий етилган даврларида одамларда ичакларнинг яллиғланиш касалликларини учраш сонини ортиши билан bogлиқдир.

Калит сўзлар: энергетик ичимликлар, ўн икки бармоқли ичакнинг морфологик тузилиши, ўн икки бармоқ ичак деворининг микроскопик тузилиши, энергетик ичимликларнинг инсон организмга таъсири, ўн икки бармоқли ичак деворидаги морфологик ва морфометрик ўзгаришлар.

**ГИСТОХИМИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ МОРФОЛОГИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ В
ТКАНЕВЫХ СТРУКТУРАХ ДВЕНАДЦАТИПЕРСТНОЙ КИШКИ, РАЗВИВАЮЩИХСЯ
ПОД ВОЗДЕЙСТВИЕМ ЭНЕРГЕТИЧЕСКИХ НАПИТКОВ**

¹Бабажанов Т.Ж. <https://orcid.org/0009-0008-0011-8750>

²Илёсов А.С. Email: IlyasovA@mail.ru

³Авезов А.У. <https://orcid.org/0009-0000-2413-8379>

³Айтимова Г.Ю. Email: AytimovaG@mail.ru

¹Ташкентская Медицинская Академия (ТМА) Узбекистан, 100109, Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби 2, тел: +998781507825, E-mail: info@tma.uz

²Наваинский инновационный университет Узбекистан, Навоийская область, Город: Кармана, ул. Ташкентская, 39 Тел: +998(55) 500-00-43 Email: info@niuedu.uz

³Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии Узбекистан, Хорезмская область, город Ургенч, улица Ал-Хорезми №28 Тел: +998(62)224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

✓ **Резюме**

Согласно гистохимическим исследованиям, от младенчества до старости количество бокаловидных клеток в кишечнике не менялось, но во все возрастные периоды в дистальном отделе их количество оказывалось выше, чем в проксимальном. Это связано с большим количеством бактерий в дистальном отделе по сравнению с проксимальным.

Снижение количества кислых высокорезистентных возрастных холедохомицинов к бактериальным гликозидам связано с увеличением числа случаев воспалительных заболеваний кишечника у людей в пожилом возрасте и в период полового созревания.

Ключевые слова: энергетические напитки, морфологическое строение двенадцатиперстной кишки, микроскопическое строение стенки двенадцатиперстной кишки, влияние энергетических напитков на организм человека, морфологические и морфометрические изменения стенки двенадцатиперстной кишки.

HISTOCHEMICAL ANALYSIS OF MORPHOLOGICAL CHANGES IN THE TISSUE STRUCTURES OF THE DUODENUM, DEVELOPING UNDER THE INFLUENCE OF ENERGY DRINKS

¹Babajanov T.J. <https://orcid.org/0009-0008-0011-8750>

²Ilyosov A.S. Email: IlyosovA@mail.ru

³Avezov A.U. <https://orcid.org/0009-0000-2413-8379>

³Aytimova G.Yu. Email: AytimovaG@mail.ru

¹Tashkent Medical Academy (TMA) Uzbekistan, 100109, Tashkent, Almazar district, st. Farobi 2, phone: +998781507825, E-mail: info@tma.uz

²Navoi innovation university Uzbekistan, Navoi region, City: Karmana, street. Tashkentskaya, 39 Tel: +998(55)500-00-43 Email: info@niuedu.uz

³Urgench branch of the Tashkent Medical Academy Uzbekistan, Khorezm region, Urgench city, Al-Khorezmi street No. 28 Tel: +998(62)224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

✓ Resume

According to histochemical studies, from infancy to old age, the number of goblet cells in the intestine did not change, but at all age periods their number was higher in the distal part than in the proximal. This is due to the large number of bacteria in the distal region compared to the proximal one. A decrease in the number of acidic highly resistant age-related choledochomas and cins to bacterial glycosides is associated with an increase in the number of cases of inflammatory bowel diseases in elderly people and during puberty.

Key words: energy drinks, morphological structure of duodenum, microscopic structure of duodenum wall, influence of energy drinks on human body, morphological and morphometric changes of duodenum wall.

Долзарблиги


Европада энергетик ичимликлар биологик фаол қўшимчалар бўлиб ҳисобланади ва уларни фақатгина дорихоналарда сотишга рухсат берилган. 2013 йилдан бери Германияда таркибида кофеин (320 мг/л), таурин (4000 мг/л), инозитол (200 мг/л) ва глюкуронолактон (2400 мг/л) моддаларни тутувчи энергетик ичимликлар учун миллий қонунчилик чегаралари ўрнатилган. Энергетик ичимлик сурункали истеъмол қилиш одамларда ошқозон-ичак трактини шикастланишига олиб келади. Олимларнинг фикрича, энергетик ичимликга сурункали ружу қўйганларда ички аъзоларида касалликлар ривожланишига олиб келади. Шу мунособат билан ички аъзолар касалликларини даволаш, профилактик чора тадбирлар ва коррекция усулларини ишлаб чиқарилиши замонавий тиббиётни долзарб муаммоларидан бири бўлиб қоляпти, шулар сабабли ушбу ичимликларнинг тирик организмга таъсирини ўрганишлар бўйича бутун дунёда илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурияти туғилмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади: Энергетик ичимликларнинг ўн икки бармоқли ичак таъсиридаги ва биологик детоксикациялаш шароитидаги морфологик ҳолатини ўрганиш ва қиёсий баҳолаш.

Материал ва усуллар.

Тажриба шароитида каламушларга 3 ой давомида per os энергетик ичимликларни белгиланган 8,0 мл/кг миқдорда бериб борилгандан 3 кун ўтиб декапитация қилинди. Ўн икки бармоқ ичакдан намуна олиниб махсус стандарт усулларда гистопрепаратлар тайёрланди ва олинган маълумотлар таҳлил қилинди.


Гистокимёвий текширишлар учун, танланган материалларни ШИФФ ва ШИК усулида бўялди. Шифф усулида бўяш орқали, тўқимада нордон табиатли мукополисахаридларни аниқлаш имконини бериб, аниқланган морфологик субстрат оч мовий рангдан тўқ кўк ранггача бўялиши орқали намоён бўлади. ШИФФ мусбат тузилма қанчалик тўқ кўк рангда интенсив бўлса, нордон мукополисахаридлар таркибида рН кўрсаткич шунчалик юқори бўлиб, тўқиманинг нордонлик даражаси критик кўрсаткичларда эканлигини тасдиқлайди. Ворсинкаларда қадахсимон ҳужайраларда нордон мукополисахаридлар бўлган ШИФФ мусбат тузилмалар тўпланган ўчоқлари йўғонлашган, стромасида лимфоцитар инфильтрацияланиш ўчоқлари, ворсинкалар юзасини қоплаган бир қаватли мукоцитлар цитоплазмасида ҳам ШИФФ мусбат тузилмаларнинг массив тўпланганлиги аниқланади (1-рasm).



1-рasm. Сурункали равишда 3 ой давомида энергетик ичимлик қабул қилган каламушлар 12 бармоқли ичаги ворсинкаларининг морфологик ҳолати.

Ворсинкаларда қадахсимон ҳужайраларида нордон мукополисахаридлар бўлган ШИФФ мусбат тузилмалар тўпланган ўчоқлари йўғонлашган, стромасида лимфоцитар инфильтрацияланиш ўчоқлари (1), ворсинкалар юзасини қоплаган бир қаватли мукоцитлар цитоплазмасида ҳам ШИФФ мусбат тузилмаларнинг массив тўпланганлиги аниқланади (2). Альциан кўки. 20х10

Ворсинкалар таркибидаги қадахсимон ҳужайраларда нордон мукополисахаридлар бўлган ШИФФ мусбат тузилмалар тўпланган ўчоқлари йўғонлашган, стромасида лимфоцитар инфильтрацияланиш жараёнлари аниқланади (1), ворсинкалар юзасини қоплаган бир қаватли мукоцитлар цитоплазмасида ҳам ШИФФ мусбат тузилмаларнинг массив тўпланганлиги аниқланади (2). Шиллиқ ости қаватида жойлашган без ва стромаларда ҳам массив ШИФФ мусбат тузилмаларнинг тўпланган (2-рasm).



2-рasm. 3 ой давомида энергетик ичимлик қабул қилган каламушлар 12 бармоқ ичаги ворсинкаларининг морфологик ҳолати

Ворсинкалар таркибидаги қадахсимон ҳужайраларда нордон мукополисахаридлар бўлган ШИФФ мусбат тузилмалар тўпланган ўчоқлари йўғонлашган, стромасида лимфоцитар инфильтрацияланиш жараёнлари аниқланади (1), ворсинкалар юзасини қоплаган бир қаватли мукоцитлар цитоплазмасида ҳам ШИФФ мусбат тузилмаларнинг массив тўпланганлиги аниқланади (2). Шиллиқ ости қаватида жойлашган без ва стромаларда ҳам массив ШИФФ мусбат тузилмаларнинг тўпланган. (4). Альциан кўки. 20х10.

ШИФФ усулида бўяш орқали асосан нейтрал ва нордон табиатли мураккаб таркибли мукополисахаридларни, гликолипидлар, гликопротеидларни нордон табиатли турларини аниқлаш имконини беради.

Текширилаётган усулда аниқланган морфологик субстрат оч ва тўқ пушти қизил рангда бўлиб, бўялиш интенсивлиги қанчалик тўқ рангда бўлса, мураккаб таркибли мукополисахаридларни тўпланганлигини ва бу ҳам, рН кўрсаткич юқори эканлигини

тасдиқлайди. Эслатиб ўтишимиз керак, тўқимада pH кўрсаткичининг юқори бўлиши, тўқимада гипоксия жараёни ёки гемодинамик ўзгаришлар кечаётганлигини кўрсатувчи индикатор бўлиб, айнан гистокимёвий текшириш орқали олинган сифат реакциялари, энергетик ичимликлар истемолида ошқозон ичак шиллиқ қаватларида гипоксия жараёнини ривожланганлигини тасдиқлайди. Гистокимёвий текшириш натижалари бўйича қуйидаги морфологик ўзгаришлар аниқланди. 3 ой муддатда энергетик ичимликларни истемол қилган каламушлар 12 бармоқ ичаги шиллиқ қаватидаги энтероцитларда гиперсекретор ШИФФ киритмаларнинг бўлиши, таркиби жиҳатдан тўқ кўк мовий рангда бўлиши, юқори pH-кўрсаткичли нордон табиатли мукополисахаридларнинг тўпланганлиги ва қадахсимон хужайралардан бевосита ичак шиллиқ қавати юзларига ажралиб чиққанлиги альциан кўки усулида бўялши орқали аниқланди. Меъёрда қадахсимон хужайралар, 12 бармоқли ичак шиллиқ қавати ворсинкаларининг крипталарга яқин ва ворсинкаларнинг ўрта соҳасида мавжуд бўлса, айти тасдиқот ишимизда ушбу хужайраларнинг сон жиҳатдан кўпайганлиги ва ҳажм жиҳатдан катталашганлиги аниқланди. Айнан, ушбу қадахсимон хужайраларни сон ва ҳажм жиҳатдан ўзгариши, ворсинкалар гистиоархитектоникасида яққол намоён бўлди. Морфофункционал жиҳатдан ушбу хужайраларнинг ҳамма нуқталарда кўпайганлиги ва атрофидаги қопловчи мукоцитларнинг ҳам сон жиҳатдан ушбу ўзгаришларга паралелл сифатида кўпайганлигини ва ворсинкалар стромасида ҳам айнан ШИФФ мусбат тузилмаларни экстрацеллюляр матриксда тўпланганлигини кўрсатди.


Натижада ичак шиллиқ қаватида нордон муҳитнинг ошиши, ворсинкаларда оралиқ шишларнинг ривожланиши ва томирларда тўлақонлик белгиларини ривожланиши билан паралел равишда кўпайганлигини кўрсатди. Демак энергетик ичимликлар 12 бармоқли ичак шиллиқ қаватларининг барча секретор хужайраларида гиперфункционал кўрсаткичлар билан бирга, шиллиқ қават гистиоархитектоникасида меъёрга нисбатан гиперцеллюляр манзаранинг кучайишига олиб келганлиги аниқланди. Шу билан бирга, шиллиқ қават ва шиллиқ ости қаватидаги Панет хужайраларининг ҳам гиперфункционал ҳолатда, цитоплазмасида вакуол киритмаларнинг кўпайганлигини кўрсатди. Ичак шиллиқ қавати ва шиллиқ ости қаватида ШИК мусбат (мураккаб таркибли мукополисахаридлар, гликопротеидлар) тутган тузилмаларнинг массив ўчоқлари аниқланади, аксарият ШИК тузилмалар шиллиқ қават ворсинкалари қадахсимон хужайраларида аниқланган (3-расм).



3-расм. 3 ой давомида энергетик ичимлик қабул қилган каламушлар 12 бармоқ ичаги морфологик ҳолати

Ичак шиллиқ қавати ва шиллиқ ости қаватида ШИК мусбат (мураккаб таркибли мукополисахаридлар, гликопротеидлар) тутган тузилмаларнинг массив ўчоқлари аниқланади (1), аксарият ШИК тузилмалар шиллиқ қават ворсинкалари қадахсимон хужайраларида аниқланган. ШИК. 4x10.


Ичак шиллиқ қавати ва шиллиқ ости қаватида жойлашган қадахсимон хужайраларда ШИК мусбат (мураккаб таркибли мукополисахаридлар, гликопротеидлар) тутган тузилмалар аниқланади. Қадахсимон хужайралар ҳар хил катталиқда (4-расм).



4-расм. Сурункали энергетик ичимлик қабул қилган каламушлар 12 бармоқ ичаги морфологик ҳолати.

Ичак шиллиқ қавати ва шиллиқ ости қаватида жойлашган қадахсимон хужайраларда ШИК мусбат (мураккаб таркибли мукополисахаридлар, гликопротеидлар) тутган тузилмалар аниқланади (1). Ҳар хил катталиқдаги қадахсимон хужайралар. ШИК. 4x10.

Сурункали 3-ой энергетик ичимлик қабул қилган каламушлар 12 бармоқ ичаги девори гистопрепаратларидаги морфологик ҳолати ўрганилганда шиллиқ қаватдаги қадахсимон хужайраларда ШИК мусбат тузилмаларнинг тўпланиши ҳар хил катталиқда, ворсинкалар без хужайраларида инфильтрацияланиш ўчоқлари аниқланади (5-расм).



5-расм. Сурункали 3-ой энергетик ичимлик қабул қилган каламушлар 12 бармоқ ичаги деворининг морфологик ҳолати

Шиллиқ қаватдаги қадахсимон хужайраларда ШИК мусбат тузилмаларнинг тўпланиши ҳар хил катталиқда (1), ворсинкалар без хужайраларида инфильтрацияланиш ўчоқлари аниқланади (2). ШИК. 40x10.

Гистокимёвий текшириш усулларида яна бири бўлган ШИК-раекцияси усулида, секретор хужайраларда таркибида мураккаб мукополисахаридлардан бўлган, гликопротеидлар, гликолипидлар ва кўп миқдорда тўпланган нейтрал ва нордон мукополисахаридларни аниқлаш мақсадида (эслатиб ўтамоғимиз, шиллиқ қават секретор хужайраларнинг гиперсекрециясини белгилловчи морфологик субстрат бу секретнинг ҳаддан зиёд кўп ишлаб чиқариши бўлиб, айтиш ШИК раекцияси усулида ушбу кўрсаткич аниқланади). 12 бармоқли ичак шиллиқ қавати бўялди. Олинган натижалар бўйича, 3 ой муддатда энэнергетик ичимликлар рег ос берилган каламушлар 12 бармоқ ичаги шиллиқ қавати ворсинкаларида жойлашган секретор хужайралар таркибида ҳар хил табиатли мураккаб мукополисахаридларни кўпайганлиги, хужайраларнинг шаклан катталашганлиги, ворсинкалар ва шиллиқ ости қавати безларида ҳам ушбу ўзгаришларнинг кескин ривожланганлиги, шиллиқ қаватни қопловчи бир қаватли цилиндрик эпителийларнинг сон жиҳатдан кўпайганлиги ва цитоплазмасида киритмаларни кўпайганлиги аниқланди. Бу эса энерегентик ичимликлар таъсирида барча нейрогуморал бошқарилувчи секретор хужайралар Панет хужайралари, қадахсимон хужайралар, Бруннер бези хужайралари, апуд хужайралар ва бошқаларда морфофункционал фаолликни юзага келиши ва энергетик ичимликлар таъсирида, шиллиқ қаватнинг кўп миқдорда секрет ва шилимшиқ модда ишлаб чиқариш хусусиятини ортириши натижасида, барча анатомик қаватлар оралиғидаги базал мембрананинг шишиши ва плазматик бўкиши, томирларида нотекис тўлақонлик белгиларининг ривожланиши ва барча секретор хужайраларнинг секрет таркибида асосан ҳар хил табиатли бўлган мукополисахаридларни ишлаб чиқарилиши, барча секретор хужайраларни сон жиҳатдан кўпайиши ва ҳажм жиҳатдан катталашганлигини кўрсатади.

Хулоса

Шундай қилиб, шиллиқ қаватларнинг анатомик қаватларида оралиқ шишларнинг ривожланиши ва меърий кўрсаткичларга нисбатан шиллиқ қават юзасидаги қопловчи хужайраларнинг десквамацияси жараёнларининг кучайиши, ҳар хил табиатли мукополисахаридлар таъсирида, шиллиқ қаватда нордон мухитнинг ошиши натижасида барча секретор хужайраларда гиперпластик ва метапластик ўзгаришларнинг ривожланиши кузатилди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Авезов А.У. Онкопатология билан касалланган беморларда веноз тромбоземболияни замонавий инновацион усуллар билан текшириш. «Актуальные проблемы детской радиологии» международная научно-практический журнал 2019; с.10
2. Авезов А.У. Современные инновационные исследования венозной тромбоземболии у пациентов с онкопатологией. //Педиатрия. Ташкент. 2019; С.10-15.
3. Айтимова Г.Ю., Авезов А.У., Урунбаева Н.А. Изучение заболеваний периферических артерий среди населения Харазмской области //«Yosh olimlar tibbiyot jurnali» Tashkent

medical academy «Medical journal of young scientists» образование наука и инновационные идеи в мире 2023 Ноябрь; Ташкентская медицинская академия. 2022;32(1):7-15

4. Зелепухина Л.П. Влияние энергетических напитков на организм человека. Библиографическая ссылка на статью: //Современные научные исследования и инновации. 2012;2.
5. Нишанов Д.А., Аvezов А.У. Хавфли ўсма касалликларида ўпка артерияси тромбозмболиясини аниқлаш усули. Ташкент. 2020.
6. Розыходжаева Г, Айтимова Г, Икрамова З, Аvezов А.У., Розыходжаева Ф (2020) Лодыжечно-плечевой индекс в изучении распространенности заболеваний периферических артерий среди населения Узбекистана. Представитель Ann Med Surg: AMSCR-100040, 2020.
7. Avezov A. et al. Study of the development level of risk factors in dangerous tumors causing lonely arterial thromboembolia //International Journal of Advanced Science and Technology. 2020;29(5):1751-1760.
8. Aytimova G. Yu., Avezov A. U., Urunbaeva N. A. Study of peripheral arterial diseases among the population of the Kharezm region //Tashkent medical academy «Medical journal of young scientists». 2022;3:7-15.
9. Arria A.M., Caldeira K.M., Kasperski S.J., Vincent K.B., Griffiths R.R., O'Grady K.E., 2011. Energy drink consumption and increased risk for alcohol dependence. //Alcohol. Clin. Exp. Res. 2011;35:365-375.
10. Boyle M. Monster on the Loose-Fueled by its energy drink, Hansen Natural is on a rocket ride. Is the fast-grower due for a crash? //Fortune. 2006;154(13):116.
11. Caviness, C.M., Anderson, B.J., Stein, M.D., 2017. Energy drinks and alcohol-related risk among young adults. //Subst. Abus. 2017;38:376-381.
12. Oh S.S., Ju Y.J., Park E.C., Jang S.I., 2019. Alcohol mixed with energy drinks (AmED) and negative alcohol-related consequences among south Korean college students. //Int. J. Environ. Res. Public Health 16.
13. Rozykhodzhaeva G, Aitimova G, Ikramova Z, Avezov A.U., Rozykhodzhaeva F (2020) Ankle-brachial index in studying the prevalence of peripheral arterial diseases among the population of Uzbekistan. //Representative Ann Med Surg: AMSCR-100040, 2020.
14. Seifert S.M., Schaechter J.L., Hershorin E.R., Lipshultz S.E. Health effects of energy drinks on children, adolescents, and young adults. //Pediatrics. 2011;127(3):511-528.
15. Tom M McLellan, John A Caldwell, Harris R Lieberman A review of caffeine's effects on cognitive, physical and occupational performance. 2016;294-312.
16. Victor L Fulgoni 3rd, Debra R Keast, Harris R Lieberman Trends in intake and sources of caffeine in the diets of US adults: 2001-2010. //Affiliations expand. 2015 May;101(5):1081-7.

Қабул қилинган сана 20.08.2024